

Тасдиқлайман:

Кува туман ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи:



Н.Абдуллаев

Фарғона вилояти Кува туманидаги Қақир МФЙ худудида янги қурилаётган кўп қаватли уйларни электр узатиш тармоқлари тортиш ҳамда трансформатор пункти ўрнатиш учун лойиха-смета, АРТ, муҳандислик-геологик тадқиқотлари, экологик лойиха ва экспертиза, натижалари тўғрисидаги хулосалар, лойиха смета экспертизасини ўтказиш ҳужжатларини тайёрлаш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Пудратчи ташкилотнинг тўлиқ юридик манзили, солиқ ва банк реквизитлари
2. Корхона гувоҳномаси
3. Корхона низоми
4. Тижорат таклифи (Ўзбек тилида) таъмирлаш учун таклиф қилинган сумма бўлиши ва бажариш муддатлари кўрсатилган бўлиши керак.
5. Пудратчининг банклардаги қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тижорат банки маълумотномаси асл нусхаси (энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича)
6. Объект умумий қийматининг 30% миқдорда пул маблағлари мавжудлиги ҳақида банк ҳисобрақамидан кўчирма
7. Хисобот чорагида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздор эмаслиги ҳақида ҳудудий ДСИнинг маълумотномаси (энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича)
8. Зарурий моддий техник базанинг мавжудлиги
9. Малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги
10. Пудрат ташкилотининг сўнгги уч йилда сохада бажарган ишлари тўғрисида маълумотнома
11. Инсофсиз ижрочилар реестрида мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома
12. Хисоб китоблар миллий валюта сўмда амалга оширилади
13. Барча ҳужжатлар Давлат тили Ўзбек тилида тайёрланиши зарур
14. Ғолиб деб топилган иштирокчи билан шартнома имзолангандан сўнг олдиндан 30% тўлов амалга оширилади қолган 70 % маблағ ишлар якунланиб иш хажми ва сифати текшириб қабул қилингандан сўнг тўлаб берилади
15. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан тегишли норматив ҳужжатлар асосида талаблар бўйича электрон тарзда кўриб чиқилади.
16. Объектнинг қиймати ҚҚС билан 20 000 000 (йигирма миллион) сўмни ташкил қилади.
17. Лойиха смета ҳужжатлари тайёрлаш хизматининг сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида, таклиф тақдим этаётган субъектлар томонидан тижорат таклифи қиймати буюртмачи томонидан тақдим этилаётган қийматнинг 90%дан пасаймаслиги шарт. Чунки хизматлар ишларини бажаришлик эҳтимоллиги комиссия томонидан инобатга олинади ҳамда умумий қийматнинг 90% дан пасайтирилган тақдирда кўриб чиқилмайди.

Танлов комиссияси котиби:


Ш.Камолов